
Қува туманида аҳолига иссиқ овқат тарқатилмоқда

Давлатимиз раҳбари раислигида энергия ресурслари таъминоти юзасидан бугун ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Саховат ва кўмак” жамғармасидан ёлғиз қариялар, кўп фарзандли эҳтиёжманд оилаларга иссиқ кийим, озиқ-овқат тарқатиш, энг оғир ҳолларда уларни шароити бор жойларга жойлаштириш, маҳаллаларда иссиқ овқат тарқатиш пунктларини ташкил этиш белгилаб берилган эди.

Туманимизда ушбу вазифалар ижроси доирасида Ғалаба маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган фуқаролар учун ош дамланиб, аҳолига тарқатилди.

2023-01-17 12:23:38